



**Нилуфар САДУЛЛАЕВА**  
доцент, филология фанлари номзоди  
Ўзбекистон миллий университети  
[nilufar\\_sadullaeva@mail.ru](mailto:nilufar_sadullaeva@mail.ru)

## **УЮШИҚ БЎЛАКЛАРНИНГ УМУМЛАШТИРУВЧИ БЎЛАКСИЗ ҚЎЛЛАНИШИ**

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги умумлаштирувчи бирлик ва гапнинг уюшиқ бўлаклари ҳақида сўз боради. Турли тилларда берилган умумлаштирувчи бўлакнинг таърифи ҳамда таснифлари мавжудлигига қарамай бу масаланинг ҳали анча тадқиқ этилиши кераклиги асосланган.

В статье рассматриваются обобщающая единица и однородные члены предложения в английском и узбекском языках. Несмотря на одинаковые определения обобщающей единицы, их значения и структуру во всех языках, этот вопрос требует дальнейшего исследования.

This article is devoted to the analysis of generalizing units and homogeneous parts in English and Uzbek languages. In spite of the similar definition of generalizing element, its meaning and structure in all languages, this issue needs to be analyzed thoroughly.

**Калит сўзлар:** умумлаштирувчи бўлак, гапнинг уюшиқ бўлаклари, грамматик қурилиш, умумлаштирувчи сўз.

**Ключевые слова:** обобщающая единица, однородные члены предложения, грамматическое строение, обобщающее слово.

**Key words:** generalized unit, homogeneous parts of sentence, grammatical structure, linguistic categories, generalised word.

Уюшиқ бўлақларга ўзбек ва инглиз тиллари грамматикаларида берилган таснифу таърифлар ҳақида кўпгина адабиётларда маълумотлар мавжуд. Тилшуносликда уюшиқ бўлақларнинг икки хил қўлланиши қузатилади: умумлаштирувчи бўлаксиз ва умумлаштирувчи бўлакли.

Илмий адабиётлар билан танишиш ва бадий асарлар таҳлили уюшиқ бўлақларнинг кўпроқ умумлаштирувчи бўлақларсиз қўлланишини кўрсатди. Бунинг сабабини аниқлаш учун мисолларга мурожаат қиламиз:

1) қахрамоннинг ташқи кўринишини тасвирлаш учун қўлланган уюшиқ бўлақлар: а) *Ўрта ёшлардаги, жағи кенг, пешонаси дўнг маймун қиёфасидаги бир киши кўринди* (А. Қахҳор). — *Middle aged person, like monkey with wide jaw, prominent forehead appeared*; б) *Унинг устида яхши беқасам тўн, бошида чуст нусха дўппи, белида шоҳи қийиқ, оёғида қишлоқ йигитлари яхши кўрган пошнаси бир қарич ағдарма этик* (А. Қахҳор);

2) қахрамоннинг ички ҳолатини тасвирлаш учун қўлланган уюшиқ бўлақлар: *Нормурод кўзда ёш, кўнглида умид, юракда дард ва армон билан хайрлашди* (И. Шомуродов). — *Normurod said good-bye with tears in his eyes, with hope, sorrow and regret in his heart*;

3) озиқ-овқат маҳсулотларини номлаш учун: а) *Нонушта пайтида турли сомсалар, ёғлиқ кулчалар, патир, кунжутлик ширмон нонлар чиқиб саватларга тушди ва ичкарига, таиқарига ташила бошланди* (А. Қахҳор). — *For breakfast various samsas, rolls, patir, sesame breads, were put into the baskets and carried inside and outside*; б) *Супанинг бир томонини қоғозларга ўралган мурч, зарчува, қалампир, кўк пиёз, жамбил сингари кўкатлар банд қилган* (А. Қахҳор). — *There were greens, as packed pepper, ginger, capsicum, spring onion, savory on the one side of supra (a place which is made of clay in the yard)*; в) *Бу ресторанчи ўзига керакли турли сабзавот, гўшт, тухум, ун ва бошқамолларни Муродхўжа домладан олар эди* (А. Қахҳор). — *The owner of the restaurant used to take the necessary vegetables, meat, eggs, flour and other products from Murodhoja domla*;

4) касб-корни билдириш учун қўлланган уюшиқ бўлақлар: а) *Бутун машишоқлар, ашулачилар, қизиқчилар ҳам таиқарида эди* (А. Қахҳор). — *All musicians, singers and humorists were out*; б) *Бу кўшиқчи, ўйинчи, аскиячи, ярим шоир, ярим жангчи эди* (Ойбек). — *He was a singer, dancer, humorist, semi poet, semi fighter*;

5) инсон ҳолатини тасвирлаш: а) *Ҳаммалари газабли, ҳаяжонли эдилар* (Ойбек). — *All were angry and excited*; б) *Оқсоқолнинг овози ҳам, қўллари ҳам, соқоли ҳам мутмасил титради* (Ў. Ҳошимов). — *The aksakal's voice, hands, beard were always trembling*;

б) феъл-атвор тасвири учун қўлланган уюшиқ бўлақлар: а) *...Миркомилнинг босиқ, тағдор гап-сўзи, қочириқлари, танбех, насиҳатлари икки-уч оғиздан ошмас эди* (Х. Дўстмуҳаммад). — *Mirkomil's calm, justified words, hints, criticism, advices were not more than some sentences*; б) *Алоуддин Маиҳадий асабий, жиззаки, сезгир шахс,*

арзимаган нарсага кишидан кўнгли қолади. — *Aladdin Mashkhadiy is nervous, intolerant, keen person, can be disappointed in somebody for nonsense;*

7) инсон ички дунёсини тасвирлаш учун: а) *Безак, май, муסיқа, фахи, гийбат мавжлари билан қайнаган ҳаёт унинг кўнглидаги тоза севгини бўлмаган эди* (Ойбек). — *The life with full of precious adornment, vine, music, prostitution, gossip couldn't prevent his pure love in his heart;*

8) оиладаги, ҳаётдаги мавқеини тасвирлаш учун: *Ҳадичабегим подшоҳнинг севikli, эътиборли, ақлли хотини эди* (Ойбек). — *Khadichabegim was padishah's beloved, kind, clever wife;*


9) шаҳар ташқи кўриниши ва ҳаётини тасвирлаш учун: а) *Мадраса, хонакоҳ, шифохона, ҳаммом ва бошиқа катта бинолар азамат нештоқлари, гумбазлари билан самога тиккайган* (Ойбек). — *Mederesah, mausoleum, hospital, bath-house and other high buildings rise up with their great fronts, domes;* б) *Ҳирот ҳар кунги дарди, нашъаси, машаққати билан яшайди* (Ойбек). — *Hirat lives with everyday grief, delight, trouble;*

10) ижодни мадҳ этиш, ундан завқланишни ифодалаш учун қўлланган уюшиқ бўлақлар: а) *У жанобнинг фикрлари, завқлари, илтифотлари тилимизнинг галабасидир* (Ойбек). — *That gentleman's opinions, excitement, politeness are the victory of our language.;* б) *Шоир қаламининг овози чўллар, тоғлар, денгизларни ошди* (Ойбек). — *The fame of the writer reached overseas.*

Бу мисоллардан уюшиқ бўлақлар семантик хусусиятларининг кўп ва ранг-баранглигини кўриш мумкин. *Уюшиқ бўлақлар* термини рус тилидаги *однородные члены* терминининг таржимаси эканлиги ҳаммага аён. Ўзбек тилида *уюшиқ* термини грамматикада бир неча бўлақларнинг муайян унсур томонидан уюшишини назарда тутди. Агар шу уюштирувчи бирлик бўлмаса, уюшиш ҳодисаси содир бўлмайди. Уюшиқ бўлақларда уюштирувчи ва умумлаштирувчи бирликлар мавжуд. Уюштирувчи бирлик деярли ҳамма уюшиқ бўлақларда бор, умумлаштирувчи бирлик эса изоҳ ёки қўшимча аниқлик киритиш мақсади бор мавжуд бўлган пайтдагина қўлланилади. Юқорида келтирилган мисоллардан биринчисида (а) ва б) бандларида) уюшиқ бўлақлар сўзлар бирикмаси билан ифодаланган. Бу қаторда *бир киши бўлаги, сингари кўкатлар* қўлланган, тўртинчи мисолда *-лар* қўшимчаси ҳар бир бўлақка қўшилган, олтинчи мисолда ҳам *-лар* қўшимчаси, еттинчи мисолда *ҳаёт* бўлаги, тўққизинчи мисолда *бошиқа катта бино+лар*, ўнинчи мисолда *-лар* ҳар бир бўлақка қўшилган ва *-ни* охиргисида келган. Мана шу бирликлар уюштирувчи вазифасини бажармоқда. Юқоридаги бошиқа бир нечта мисолда *-ди* қўшимчаси, *эди* тўлиқсиз феъли уюштирувчи вазифасида келган. Шу ҳолатига кўра, шу каби уюшиқ бўлақли содда гапларнинг нутқий кўринишларини қуйидагича беришимиз мумкин:

(А – Э<sub>1</sub>, Э<sub>2</sub>, Э<sub>3</sub>, Э<sub>4</sub>) *ташқарида эди*. (Э...А<sub>1</sub>, А<sub>2</sub>, А<sub>3</sub>) *хотини эди*. (Э – Т<sub>1</sub>, Т<sub>2</sub>, Т<sub>3</sub>) *ни ошди* ва бошқалар. Мисолларнинг ҳаммасида барча бўлақлар гапнинг маркази бўлган кесим атрофида уюшмоқда. Гап марказини, уларнинг моҳияти, мавқеини кесимнинг валентлиги белгилайди.

Таҳлил этилган мисолларда умумлаштирувчи бўлақ йўқ. Аммо мисолларда *бир киши*, *сингари кўкатлар*, *ҳаёт сўзлари* ва *кўшимчалар* уюштирувчи вазифасини бажармоқда, деб қайд этдик. Назаримизда, *бир киши*, *сингари кўкатлар*, *ҳаёт* каби сўзлар умумлаштириш хусусиятига ҳам эга. Буларда уюштириш билан кўшимчалар ёки *эди* тўлиқсиз феълидаги уюштириш бир хил ҳодиса эмас. *Бир киши* сўз бирикмаси гапда эга вазифасида келган гап марказининг кенгайтирувчиси. У ўзидан олдин келган сўз бирикмаларини уюштирибгина қолмай, умумлаштиряпти ҳам:



Яъни *бир кишинингташқи кўринишига оид бир неча сифатлар* умумлаштирилган. Агар *бир киши* гап бошида келса, унда у ажратилган бўлақ бўлар эди: *Бир киши – ўрта ёшлардаги, жағи кенг, пешонаси дўнг маймун қиёфасида кўринди*. Ваҳоланки, ёзувчи, шоирлар кўзлаган мақсадларини амалга ошириш учун гап бўлақларининг гапдаги тартибни ўзгартиришга ҳақлидирлар. Худди шу фикрни учинчи мисол а) ва б) бандларда, еттинчи ва саккизинчи мисоллардаги гаплар ҳақида айтиш мумкин.

Уюшган сўз ва гап кенгайтирувчиларининг умумлаштирувчи бўлаксиз ва умумлаштирувчи бирликлар билан биргаликда қўлланиши нутқий характерга эга. Кўришиб турибдики, ўзбек ва инглиз тиллари синтаксисида ўз тадқиқини кутаётган масалалар ҳали анчагина.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлақларининг семантикаси ва грамматикаси. — Т.: Фан, 2000.
2. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап. Ўзбек тили синтаксиси асослари. — Т.: Фан, 1957. — 149 б.
3. Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. — Т.: Фан, 1976. — 560 б.
4. Убаева Ф.С.С., Сайфуллаева Р.Р. Предикатив бирликлар ва улар ўртасидаги муносабат. — Т.: ТашГУ, 1989. — 143 б.
5. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. — Т.: Ўқитувчи, 1987. — 255 б.
6. Сайфуллаев А.Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. — Т.: Фан, 1984. — 125 с.
7. Аслонова Н., Неъматов Ҳ. Сўзнинг валентлиги ажратилиш ва умумлаштирувчи бўлақли уюшиш// Ўзбек тилини синхроник ўрганиш масалалари (илмий асарлар тўплами). — Т., 1987.